

# **Халқ депутатлари Музработ туман Кенагиш "Музработ туманида 2021- йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар тўғрисида" қарори**

Image not found or type unknown

## **Музработ туманида 2021-йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 28-августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли ҳамда 2021-йил 13-апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021-йил 22-апрелдаги КҚ-213-ИВ-сонли Қарори, шу бўйича халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021-йил 21-майдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги 06-29/170-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 30-банди ижросини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссияси раиси А.Ачилдийевнинг ҳисоботи 2022-йил 21-январ куни халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, туризм, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ййғилишида муҳокама этилганлигини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари Музработ тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021-йил 21-майдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги 06-29/170-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 30-бандига асосан 2021-йилда жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссияси раиси А.Ачилдийевнинг ҳисоботи 2022-йил 21-январ куни халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, туризм, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида муҳокама этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2.2021-йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар, яъни ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотлар ва ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумот 1-иловага асосан тасдиқлансин.

3.2021-йилда ўтказилган ташаббусли бюджет жараёни якунларига кўра ишларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлар билан шартномаларга мувофиқ якуний маблағларга нисбатан бўшаб қолган (иқтисод қилинган) қисмини жамғармага қайта тиклаш миқдори тўғрисидаги маълумот 2-иловага асосан тасдиқлансин.

4.Туман ҳокимининг биринч ўринбосари (А.Ачилдийев), туман ҳокимлиги молия бўлими (О.Абсайев) ҳамда туман ғазначилик бўлинмаси (А.Худойназаров)лар шартномаларга мувофиқ якуний маблағларга нисбатан бўшаб қолган (иқтисод қилинган) қисмини жамғармага белгиланган тартибда қайта тиклаш ва ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотларни туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Ж.Абдурасулов) билан биргаликда келтирилган иловаларга мувофиқ шаклларда “Очиқ бюджет” ахборот портал ҳамда туманнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириш ва ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар жойлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

5.Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, туризм, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Л.Мусайев), ижросини таъминлаш молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи о'ринбосари (А.Ачилдийев) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг 2022 йил \_\_ январдаги \_\_\_\_\_

1-илова

3-бошқич натижаларига ко'ра "Г'олиб"  
деб топилган таклифлар бо'йича

31.12.2021 йил ҳолатига х

№

	Таклиф номи	Ид рақами	То'плаган овозлар сони	Таклифларнинг дастлабки қиймати	лойиҳа-сметалар асосан ё'налтири маблаг'ла миқдори
1	Музработ тунани Орият МФЙ Анорзор гуари ички ё'лини асфалтлаш	1130300067 590		190000	200000

2	Музработ тунани 4- мактабга то'сиқ деворлар о'рнатиш	1130300042 415	500000	350000
3	Музработ тунани 15-мактабнинг спорт залини та'мирлаш	1130300043 181	500000	800000
Жами				

## 2-илова

2021 йилда о'тказилган Ташаббусли бюджет жараёни якунларига кўра ишларни амалга ошириш бўйича  
бо'шаб қолган қисмини жамғармоқ бўлиши

3-бошқич натижаларига ко'ра "Г'олиб" деб  
топилган таклифлар бо'йича

31.12.2021 йил ҳолатига

№	Таклиф номи	Ид рақами	То'плаган овозлар сони	Таклифларнинг дастлабки қиймати	лойиҳа- сметала асосан ё'налти маблаг' миқдор
---	-------------	-----------	---------------------------	---------------------------------------	--

1	Музработ тунани Орият МФЙ Анорзор гуари ички ё'лини асфалтлаш	1130300067	590	190000	200000
2	Музработ тунани 4-мактабга то'сиқ деворлар о'рнатиш	1130300042	415	500000	350000
3	Музработ тунани 15-мактабнинг спорт залини та'мирлаш	1130300043	181	500000	800000
Жами				1190000	1350000